


IV. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2018 йилнинг январь-декабрида 12071 та янги кичик корхона ва микрофирмалар (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) ташкил қилинди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,7 % кўп демакдир.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо соҳасида (жамига нисбатан-28,2 %), саноат тармоғида (18,8 %), қурилиш тармоғида (11,9 %), яшаш ва овқатланишда (8,6 %), информация ва алоқа (5,3 %) ташкил этилган.

2018 йил январь-декабрь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда



2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан:

– саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 31051,5 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 72,9 %ни) ёки 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 110,6 %ни ташкил қилди;


– 11430,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 52,3 %ни) ўзлаштирилди ва 2017 йилнинг январь-декабрига нисбатан ўсиш суръати 116,2 %ни ташкил қилди;

- 6308,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,0 %) ва 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 113 % ни ташкил қилди;
- 24179,9 млрд.сўмлик хизматлар кўрсатилиб (жами хизматлар ҳажмининг 50,0 %) 2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан ўсиш суръати 106,9 % ни ташкил қилди;
- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 75,5 % ёки 22270,4 млрд. сўми (ўсиш суръати 1,9 % ни ташкил қилди) шакллантирилди;
- 692,3 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 24,1 %) микдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, бу эса 2017 йилга нисбатан 166,3 млн. АҚШ долларига ёки 31,6 % га кўп;
- автомобиль транспорти юк айланмасининг 5,7 %га (жами автомобил транспорти юк айланмасининг 68,8 %) кўпайиши таъминланди;
- йўловчи айланмасининг эса 3,1 % га (умумий йўловчи айланмасининг 77,7 %) кўпайиши таъминланди;


Кичик тадбиркорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичлардаги улуши (умумий ҳажмига нисбатан млрд. сўмда)

Ҳудудлар бўйича энг кўпроқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми Олмазор тумани (4453,3 млрд.сўм), Яшнобод тумани (3832,7 млрд.сўм), Сергели тумани (3569,7 млрд.сўм) ва Чилонзор тумани (3392,3 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келади. Бектемир туманида (2282,0 млрд.сўм), Яккасарой (1816,4 млрд.сўм) ва Миробод туманида (1343,4 млрд.сўм) ушбу саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми паст бўлиб қолмоқда.

2018 йил январь–декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва ўсиш суръати




**2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ чакана товар айланмаси ҳажми Учтепа тумани (3466,0 млрд.сўм), Бектемир (3427,5 млрд.сўм), Чилонзор (3376,5 млрд.сўм), Шайхонтохур (2809 млрд.сўм) ва Юнусобод (2776,6 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январь-декабрида ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес)да
хизматлар соҳаси ҳажми ва ўсиш суръати**



Ҳудудлар бўйича кўпроқ хизматлар ҳажми Юнусобод туманида (2937,2 млрд.сўм), Шайхонтоҳур (2899,1 млрд.сўм), Мирзо-Улуғбек (2696,7 млрд.сўм), Чилонзор (2644,2 млрд.сўм) ва Миробод (2433,4 млрд.сўм) туманлари ҳиссасига тўғри келади.

**2018 йил январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг иқтисодий кўрсаткичлардаги
ҳудудлар бўйича улуши, фоизда**

	Саноат	Қурилиш	Ҳизматлар
Тошкент шаҳри	72,9	72,0	50,0
<i>туманлар:</i>			
Бектемир	67,4	25,9	96,7
Мирзо-Улуғбек	46,2	64,9	55,4

	<i>Саноат</i>	<i>Қурилиш</i>	<i>Хизматлар</i>
Миробод	45,2	40,9	32,6
Олмазор	91,4	96,6	73,1
Сергели	86,2	99,2	45,5
Учтепа	91,1	91,2	85,2
Чилонзор	83,0	80,8	57,2
Шайхонтохур	56,2	42,2	57,0
Юнусобод	87,1	77,1	33,2
Яккасарой	90,2	98,3	66,9
Яшнобод	71,0	97,6	39,8

Худудлар бўйича саноат соҳасининг юқори улушини Олмазор туманида (91,4 %), Учтепа туманида (91,1 %), Яккасарой туманида (90,2 %), Юнусобод туманида (87,1 %), Сергели туманида (86,2 %) ва Чилонзор туманида (83,0 %) ташкил этади.

Қурилишда Сергели (99,2 %), Яккасарой (98,2 %), Яшнобод (97,6 %), Олмазор (96,6 %) ва Учтепа (91,2) туманлари ташкил этади.

Хизматлар соҳасида Бектемир (96,7 %), Учтепа (85,2 %) ва Олмазор (73,1 %) туманлари ташкил этади.


2018 йилнинг январь-декабрида кичик тадбиркорликнинг ЯХМдаги улуши 63,4 % ни ташкил қилди (2017 йилнинг январь-декабрида 64,2 %). ЯХМ таркибида пасайиши йирик корхоналар улуши ошиши билан тушунтирилади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича 2018 йил 4-чорак яқунларига кўра, янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди. Унда 367 дан ортиқ респондентлар иштирок этди.

Кузатув маълумлотлари таҳлили, қурилиш соҳасида респондентларнинг 9,1 % иқтисодий вазиятни – қулай ва 59,1 % эса қониқарли деб ҳисоблашини, мос равишда савдо соҳасида – 18,2 % ва 53,5 %, хизматлар соҳасида – 12,4 % ва 68,0 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида – 0,0 % ва 50,0 %, саноатда – 11,4 % ва 61,4 %ни ташкил қилганини кўрсатди.


Жорий иқтисодий вазиятга пессимистик руҳда ёндашганлар саноатда–27,1%, қурилишда –31,8 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида –50,0 %, хизматларда – 19,6% ва савдода – 28,3 %ни ташкил қилди.

Кичик тадбиркорликда иқтисодий вазиятни баҳолаш 2018 йил IV-чорак учун, фоизда



Иқтисодий вазият яқин уч ойда қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида яхшиланиш 100 %, ўзгаришсиз 0,0 %, ёмонлашиш 0,0 %, саноат корхоналари яхшиланиши 54,3 %, ўзгаришсиз 38,6 %, ёмонлашиш эса 7,1 % ни, савдо – яхшиланиш 58,6 %, ўзгаришсиз 33,3 %, ёмонлашиш 8,1 %, хизматларда яхшиланиш 53,6 %, ўзгаришсиз 39,2 %, ёмонлашиш 7,2 %, ва қурилиш тармоғида яхшиланиш 56,8 %, ўзгаришсиз 36,4 %, ёмонлашиш 6,8 % кутилмоқда.

Кичик тадбиркорлик (бизнес)да иқтисодий вазиятнинг ўзгаришлар истикболини яқин уч ойда баҳоланиши, фоизда



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхоналар ва микрофирмаларга бизнес муҳитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳолаётганлигини хулоса қилиш мумкин.